

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2025 йил 22 октябрь куни, жиноят ишлари бўйича Нуробод туман судининг очик суд мажлиси видеоконференцалоқа режими орқали ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ш.Хасанов, судья ёрдамчиси Л.Норбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Нуробод туман прокурорининг ёрдамчиси А.Эшонқулов, судланувчи О.Исमतов ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳар “EVICSIYA QOMUS” адвокатлар ҳайъати адвокати С.Алламурадов, жабрланувчи У.Рахимназаров ва Д.Нурмухамедовларнинг иштирокида, И.О.Рга оид 1-1410-2501/169-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш хужжатларига кўра:

И.О.Р (И.О.Р), 2003 йил 1 сентябрь куни вилояти туманида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилини яхши билади, бўйдоқ, маълумоти ўрта, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган, вилояти, тумани, “ ” МФЙ, “ ” кўчаси, 48-уйда яшайди, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 15 сентябрь куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи И.О.Р, 2025 йил 11 июль куни соат 01:30ларда Нуробод тумани, “Тепакул” МФЙ ҳудудидан ўтувчи А-378 автомобил йўлининг 19 км.да, “Cobalt” русумли, 75 G 157 UA давлат белгили автомашинасини “Ўзбор-Самарқанд” йўналишида бошқариб бориб, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.04.2022 йилдаги 172-сон Қарори билан тасдиқланган “Йўл-ҳаракати қоидалари”нинг 1-боб, 2-бандида “Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ўнг томонлама ҳаракатланиш тартиби белгиланган”, 3-бандида “йўл ҳаракати қатнашчилари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, ушбу қоидаларни ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизиқларининг талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шартлиги”, 4-бандида “йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари кераклиги”, 2-боб 12 бандида “йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш”, 9-боб 53-бандида “ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши



кераклиги”, 10-боб 73-бандида “хайдовчи ўзидан олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганида тўкнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралиқ масофани, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралиқ масофани сақлаши кераклиги” ва 11-боб 77-бандида “хайдовчи ҳаракатнинг серкатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши кераклиги, тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклиги, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган қоидаларга амал қилмасдан, ушбу қоидаларни қўпол равишда бузиб, кучли чарчоқ туфайли автомашина рул бошқарувида хушёрликни йўқотиб, ўзи билан бир йўналишда ҳаракатланиб бораётган ҳайдовчи Бозоров Улуғбек Махматхакимовичнинг бошқарувида бўлган “Kamaz” 53215” русумли, 70 E 355 FA давлат белгили юк автомашина ортидан бориб урилиб, йўл-улов ҳодисасини содир қилиши натижасида “Cobalt” русумли автомашина йўловчиси фуқаро Раҳимқулова Шаҳноза Умар қизининг турли даражадаги тан жароҳатлари олиб, Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасида вафот этишига ва йўловчи Нурмухамедов Даврон Хасановичнинг “Ўртача оғирликдаги шикаст” тан жароҳатлари олишига сабабчи бўлган.

Самарқанд туман судга оид тиббий экспертиза бўлимининг 2025 йил 14 август кунига 255-сонли мурдага оид суд тиббий экспертиза хулосасида, мархума Ш.Раҳимқулованинг танасида яъни, бошининг чап чекка, чап кўз юқори ва пастки қовоқ, юзининг чап яноқ, чап лунч, кўкрак қафасининг орқа юзаси, бел соҳаларида қонталашлар, ияк соҳасида урилиб йиртилган яра, калла тери ости юмшоқ тўқималарига қон қўйилиши, чап томонлама гаймар бўшлиғи деворлари, чап яноқ суяги, ғалвирсимон суякнинг парчаланиб синиши, пастки жағ суягининг икки жойидан синиб силжиши, бош мия пардалари остига, тўқимаси ва қоринчаларига қон қўйилиши каби жароҳатлар мавжудлиги, ушбу жароҳатлар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида яъни ҳаракатда бўлган автомашиналарнинг тўкнашуви вақтида автомашина салони ичи бўртиб чиққан қисмларининг танага урилиши натижасида юзага келганлиги, ушбу жароҳатлар “Оғир тан жароҳат”лар гуруҳига киришлиги, етказилган муддати 2025 йил 11 июль кунига тўғри келишлиги кўрсатилган.

Нуробод туман судга оид тиббий экспертиза бўлимининг 2025 йил 25 августдаги 701-сонли хулосасида, фуқаро Д.Нурмухамедовнинг танасида яъни, иккала билак соҳаларида шилинмалар, чап кўз юқори қовоқ, чап ёноқ, чап юз ва чап тирсак бўғими соҳалари эзилиб йиртилган яралари, чап томондан ўн биринчи ва ўн иккинчи қовурғаларнинг синиши, чап гаймар бўшлиғи деворларининг ва чап яноқ суягининг синиши, бош миянинг енгил даражали лат

иши каби жароҳатлар мавжудлиги, ушбу жароҳатлар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида яъни ҳаракатда бўлган автомашиналарнинг тўкнашуви вақтида



автомашина салони ичи бўртиб чиққан қисмларининг танага урилиши натижасида юзага келганлиги, ушбу жароҳатлар “ўртача оғирликдаги шикаст” тан жароҳатлари гуруҳига киришлиги, етказилган муддати 2025 йил 11 июль кунига тўғри келишлиги кўрсатилган.

Самарқанд вилоят ИИБ ЭКМнинг 2025 йил 19 июлдаги 957-сонли судга оид транспорт трассология экспертиза хулосасида, тўқнашув вақтида давлат рақам белгиси 75 G 157 UA бўлган “Cobalt” русумли автомашинаси ва давлат рақам белгиси 70 E 355 FA бўлган “Kamaz” русумли юк автомашиналари бир бирига нисбатан бир йўналишда, олдинма кетин ҳолатда ва перпендикуляр жойлашган вазиятда тўқнашганлиги, тўқнашув вақтида давлат рақам белгиси 75 G 157 UA бўлган “Cobalt” русумли автомашинаси олди томон ўнг қисми билан (олд зарбқайтаргичи, капоти, олди ўнг чироқлари, олди ўнг қаноти, кузовининг олди ўнг устунни ва том қисми), давлат рақам белгиси 70 E 355 FA бўлган “Kamaz” русумли юк автомашинасига уланган тиркамасининг орқа чап бурчак қисми (тиркамасининг орқа зарбқайтаргичи, тиркамаси рамасининг орқа чап бурсак қисми, орқа чап қаноти) билан тўқнашган ва бу вақтда уларнинг бўйлама ўқлари орасидаги бурчак 5+-5 даража атрофида бўлганлиги кўрсатилган.

Судда сўралган судланувчи И.О.Р ўз кўрсатувида, айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, ўз кўрсатувида “Cobalt” русумли 75 G 157 UA давлат белгили автомашинани автокредитга олганлиги, ушбу автомашинада киракашлик билан шуғулланишлиги, 2025 йил 10 июль куни Д.Нурмухамедов телефон қилиб, Сурхондарё вилояти Бойсун туманидан Тошкент вилояти Янгийўл туманига олиб бориб қўйишини сўраганлиги, у Д.Нурмухамедов билан келишиб 2025 йил 10 июль куни соат 22:30 ларда йўлга чиқишганлиги, 2025 йил 11 июль куни соат 01:30 ларда “Ўзор-Самарқанд” йўналишининг Самарқанд вилояти Нуробод тумани “Тепакул” маҳалласи ҳудудида, қатнов йўлининг биринчи бўлагида соатига 95-100 км тезликда ҳаракатланиб бораётган вақтида, ортидан келган автомашинага йўл бериш учун йўлнинг иккинчи қисмига ўтганлиги, тўсатдан олдида “Kamaz” русумли юк автомашинага тўғри келиб қолганлиги, бошқарувидаги автомашинага тормоз беришга улгурмаганлиги, шундан сўнг унинг автомашинаси олди билан бориб юкмашинага урилганлиги, бу юкмашинанинг орқасида ҳеч қандай чироқлари бўлмаганлиги, шу сабабли уни кўрмаганлиги, содир бўлган йўл улов ходисаси натижасида олд ўриндикда ўтирган Д.Нурмухамедов тан жароҳати олганлиги, унинг турмуш ўртоғи ҳам тан жароҳати олиб шифохонага олиб кетилганлиги, Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасига ётқизилган Ш.Рахимқулова 6 кундан кейин вафот этганлиги, жабрланувчиларга моддий ёрдам қилганлиги, марҳуманинг оила аъзоларидан кечирим сўрашлиги, содир этган қилмишидан пушаймонлиги, отаси ногирон эканлиги, онаси рухий ҳаста эканлиги оилада ягона боқувчи эканлиги ва отаси унинг қаровига муҳтож эканлиги, унга нисбатан қонуний енгиллик бериб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўради.

Судда, судланувчи О.Исмамов содир этган жиноятига тўлиқ иқрорлик билдирган бўлса-да, бундан ташқари унинг айби қуйидаги далиллар билан ўз тасдиғини топади.



Судда сўралган жабрланувчи Рахимназаров Умар Рахимкулович ўз кўрсатувида, мархума Ш.Рахимкулова унинг катта фарзанди бўлганлиги, 2025 йил 10 июль куни соат 22:00 да қизи Ш.Рахимкулова ва қуёви Д.Нурмухамедовлар Сурхондарё вилояти Бойсун туманидан Тошкент вилояти Янгийўл туманига йўлга чиқишганлиги, улар 2025 йил 11 июль куни тунги соат 01:30 ларда Самарқанд вилояти Нуробод тумани “Тепакул” маҳалласи ҳудудида йўл-улов ҳодисасига учрашганлигини эшитганлиги, мархума қизи Ш.Рахимкулова оғир тан жароҳатлари олиб, Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасига ётқизилганлиги, Ш.Рахимкулова 6 кун давомида шифохонада бўлганлиги, шунга қарамай вафот этганлиги, ҳозирда судланувчи О.Исмамовга нисбатан даъвоси йўқлиги, унга фақат автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини оғирроқ тайинлашни сўрашлиги ҳақидаги;

Судда сўралган жабрланувчи Нурмухамедов Даврон Хасановичнинг, мархума Рахимкулова Шахноза Умар қизи унинг турмуш ўртоғи бўлишлиги, улар 2025 йил 10 июль куни соат 22:00 ларда судланувчи О.Исмамовнинг “Cobalt” русумли автомашинасида Тошкент вилояти Янгийўл туманига йўлга чиқишганлиги, у йўловчи сифати автомашинанинг олд ўриндиғида ўтириб кетаётганли, турмуш ўртоғи мархума Ш.Рахимкулова орқа ўриндиқда ўтирганлиги, у йўлда ухлаб қолганлиги, бирдан автомашина қаттиқ урилганлигиндан уйғонганлиги, содир бўлган йўл-улов ҳодисасидан сўнг хушини йўқотганлиги, Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасида ўзига келганлиги, йўл-улов ҳодисаси қачон ва қандай ҳолатда содир бўлганлигини билмаганлиги, ушбу ҳодиса натижасида турмуш ўртоғи Ш.Рахимкулова вафот этганлиги, ўзи Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасида бир ҳафта ётиб даволанганлиги, сўнг Тошкент шаҳрида кўзини операция қилдирганлиги, судланувчи О.Исмамов унинг даволанишига кетган харажатларни қоплаб берганлиги, ҳозирда соғлиги тикланётганлиги, судланувчи О.Исмамовга нисбатан даъвоси йўқлиги, унга қонуний енгиллик бериб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўрашлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;

Бундан ташқари, судланувчи О.Исмамовнинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуви, жабрланувчиларнинг кўрсатувларидан ташқари, жиноят ишида тўпланган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизма, судга оид тиббиёт, автотехника экспертиза хулосалари, сўроқ баённомалари ҳамда бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, судланувчи О.Исмамовнинг транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб, одам ўлимига сабабчи бўлганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи О.Исмамовнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, уни айбига тўлиқ иқрор эканлигини, оиласида ягона боқувчи эканлигини, килмишидан пушаймонлигини, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб, ЖКнинг



56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолайди.

Суд, судланувчи О.Исмамовга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарорининг 28-бандида, “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин”;

-Олий суд Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли Қарорининг 25-бандида, “Судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шартлиги ҳақида”ги;

-Олий суд Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 37-бандида, “ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, ЖК махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда қонунга мувофиқ судлар нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзланган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки айбдорнинг шахси, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилгандан кейинги ҳулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитини ҳам эътиборга олишлари лозим” деган тушунтиришларига риоя қилган ҳолда судланувчи О.Исмамовнинг айбига тўлиқ иқрорлигини, ёшини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлиги ҳолатларини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, унга ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги, яъни озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, озодликни чеклаш жазосига чеклашларни белгилашда ЖКнинг 48¹-моддасида белгиланган тартибдан келиб чиқишни, унинг ҳулқини назорат қилиш мақсадида назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, вилоят ҳудудини



тарк этмаслик каби қўшимча чеклашларни юклатишни, транспорт воситасини бошқарган ҳолда жиноят содир этганлиги сабабли, келгусида шу каби ноҳуш ҳолатларни олдини олиш мақсадида ҳамда жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, ЖКнинг 45-моддасини қўллаган ҳолда, унга нисбатан қўшимча жазо сифатида транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни;

-судланувчи О.Исмамовга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чорасини бекор қилишни ҳамда гаров мулки сифатида Р.Каюмовга тегишли “Cobalt” русумли 75 G 157 UA давлат рақам белгили транспорт воситаси судланувчи О.Исмамовда сақланаётганлигини инобатга олишни, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарни тўлиқ бартараф этилганлигини инобатга олишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

И.О.Р (Ismatov Og'abek Ravshan o'g'li), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин.

И.О.Рга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, ЖКнинг 45-моддасига асосан 3 (уч) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазо И.О.Рни яшаш жойида, яъни Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, “Шерсой” маҳалла фуқаролар йиғини, “Орзу” кўчаси, 48-уйдаги яшаш уй-жойини иш жойигача бориши ва кечки пайт уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй жойдан чиқиши чеклансин.

И.О.Рга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига асосан;

-назорат қилувчи орган розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик

-Сурхондарё вилояти ҳудудини тарк эмасликдан иборат қўшимча чеклашлар ўрнатилсин.

И.О.Р устидан назорат қилиш вазифаси Бойсун туман ИИБ Пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

И.О.Рнинг жазони ўташ муддати Бойсун туман Пробация бўлинмасида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Тайинланган озодликни чеклаш ҳамда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазолари ЖКнинг 61-моддаси 2-қисмига асосан алоҳида-алоҳида ижрога қаратилсин.

Ҳуқм қонуний кучга киргач, судланувчи О.Исмамовга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ҳамда гаров мулки сифатида Каюмов Равшанжон Набиевичга тегишли “Cobalt” русумли 75 G 157 UA давлат рақам белгили транспорт воситаси судланувчи О.Исмамовда сақланаётганлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарлар қопланганлиги инобатга олинсин.



Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакиллари ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида ушбу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят судлов ҳайъатига шикоят беришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Ш.Хасанов

